## ДЎКОНДА ОБУНА БЎЛАСИЗ

АНДИЖОН. Вилоят матбуот тарқатиш уюшмаси ҳиссадорлик жамияти вақтли нашрларга обуна ишини янгича ташкил этди. Шаҳар ҳудудидаги 45 та газета-журнал сотиш дўконида исталган даврий нашрларга обуна амалга оширилмоқда. Янгилик биринчи марта қўлланилишига қарамай, мижозларга маъқул бўлди. Муҳаммадюсуф Тоштемиров, Дилмуроджон Шерматов, Дилшодбек Тешабоев сингари сотувчи-обуна тўпловчиларнинг ҳаракати билан вақтли нашрларга ёзилганлар сони кўпаймоқда.

*Аҳмадилло СОЛИЕВ.*

## ГАЗЛИДА СОҲИБҚИРОН ҲАЙКАЛИ

БУХОРО. Газли ўзининг қирқ йиллигини нишонлади. Бу даврда 10 минг нафар аҳоли ҳовли тўйини нишонлади. Улар асосан оловкорлар. Кучли ер силкиниши туфайли уч марта вайронага айланган газчилар шаҳри мустақиллик йилларида қайта тикланди. Яқинда истиқболга юз очган шаҳарда саркарда, жаҳонгир Амир Темурга ҳайкал қўйилди. Ҳайкалнинг очилиши газлиликларга қўшалоқ қувонч бахш этди.

*Даврон БАҲРОНОВ.*

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

## "НЕКСИЯ"НИНГ БОЗОРИ ЧАККОН

ТОШКЕНТ. Олмалиқ шаҳридаги "Комилов — автохизмат" хусусий фирмаси хизматидан шаҳар-қишлоқларда истиқомат қилувчи шахсий машина эгалари шу пайтгача фойдаланардилар. Эндиликда мазкур фирмада юртимизда ишлаб чиқарилаётган"ЎзДЭУавто" енгил автомашиналарини сотиш йўлга қўйилди. Янги автосалон ташкил этилиб, барча русумдаги енгил машиналарнинг намуна нусхалари қўйилди. Дастлабки машиналар сотилиб, аҳоли фирма хизматидан мамнун бўлди. Хуллас "Нексия", "Дамас", "Тико" автомашиналарининг бозори чаккон.

*Соҳибжон САЛИМОВ.*

## ЗАРШУНОСЛАР ЗАФАРИ

ЖИЗЗАХ. Пахтакор туманидаги "Навбаҳор" деҳқон-фермерлар уюшмаси заршунослари давлатга 4.260 тонна "оқ олтин" топшириб, бу борадаги йиллик маррани эгалладилар. Шунча ҳосил 1950 гектар майдондан йиғиштириб олинди. Қўлга киритилган ютуққа Холбуви Рустамова, Зокир Яхшибоев, Назарбек Шакарбоев ва Аббос Салоев бошлиқ жамоалар салмоқли улуш қўшдилар.

*Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.*

*Ватанни севмак иймондандур!*


# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 5 ноябрь, сешанба № 142 (22.063).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган




ЎЛКАМИЗДА КУЗ.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИНИНГ ЖАМОАСИ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Банк-молия академиясининг очилиши билан қизғин қутлайман. Кўпгина халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари ҳамда ривожланган мамлакатларнинг етук мутахассислари янги билим маскани ташкил қилинишида бизга яқиндан кўмак бергани айниқса қувончлидир. Шубҳа йўқки, Банк-молия академияси Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълим тизимини ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқични бошлаб беради.

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлари ва суръатлари аниқ белгилаб олинган бугунги даврда банкларнинг роли тобора юксалиб бормоқда. Бинобарин, ватан ва миллат манфаатларини чуқур англаган, банк ва молия соҳасидаги жаҳон илғор тажрибасини мукаммал ўрганган, маънавияти юксак, эл-юртга садоқатли ёш мутахассисларга талаб ҳам кучаймоқда.

Янги ташкил этилган Банк-молия академияси жамоаси ва тингловчилари ана шу олижаноб вазифани шараф билан бажарадилар ва фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистонимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонаман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ЯНГИЧА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Мамлакатимиз меҳнаткашлари Президентимизнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари кенгаши сессияларида сўзлаган нутқларида билдирилган фикрларни қизғин маъқулламоқдалар.***

Республикамиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида вилоятнинг қатор туманларида, жумладан, бизнинг Зафаробод туманимизда ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг сустлигини, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пастлигини кескин танқид қилди. Юртбошимиз сўзлари вилоятдаги барча тармоқ ва соҳаларнинг раҳбаридан то оддий ишчисигача ўз фаолиятига танқидий назар билан қарашга, қилган ва қилаётган ишларини чуқурроқ таҳлил этишга ундади.

Бизнинг Собир Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмамиз чорак аср давомида бирор йил ҳам белгиланган режаларни бажармай қолмаган. Деҳқончилик учун ниҳоятда мураккаб келган жорий йилда ҳам ғаллакорларимиз режага қўшимча 400 тонна дон сотдилар. Пахтакорларимиз эса, белгиланган 7,5 минг тонналик «оқ олтин» хирмонимизни сўзсиз тиклаш учун марра сари тобора яқинлаб бормоқдалар.

Келгуси йили 1800 гектар ерда ғалла етиштириб, давлатга камида 6 минг тонна дон сотмоқчимиз. Шу ниятда сўнгги гектарларга уруғ сепяпмиз. Минг гектарга яқин ердаги ғалламиз майсалаб қолди, унинг 800 гектардан зиёдини обҳаётга қондириб, ўғитлар билан озиқлантирдик.

Аммо бу бизга ўз ишларимиздан асло қониқиш ҳуқуқини бермайди. Юртбошимиз айтганларидай, қишлоқда қўшимча иш ўринлари яратиш, қўшма ва кичик корхоналар барпо этиш чиндан ҳам суст. Бизнинг салкам 7 минг киши яшайдиган хўжалигимизда фақатгина битта ғишт корхонаси ва бир нечта майда ҳунармандлик ишхоналари бор. Бу бизни янги ишлар қилишга даъват этади. Уз ишларимизда тезда бурилиш ясаймиз.

**Маҳрам МАЛЛАЕВ,**
**Зафаробод туманидаги С. Раҳимов номли ижара ширкат бирлашмаси директори.**

*Хорижда*

## ИСТАНБУЛДА БОШ КОНСУЛХОНА ОЧИЛДИ

Истанбулда жуда кўплаб мамлакатларнинг Бош консулликлари жойлашган. Куни кеча бу ерда Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бош консулхона жойлашган янги муҳташам бинога кираверишдаги алвон лента Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдуғофур Абдурахмонов ва Истанбулдаги Бош консули Умарали Худойбердиевлар томонидан қирқилгач, республикамиз Давлат байроғи кўтарилди. Тантанали маросимларда Туркия жумҳурияти ҳукумати аъзолари, Истанбул маҳаллий ҳокимияти ҳамда Анқара ва Истанбулдаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этдилар.

## БРИТАНИЯ ПОЙТАХТИДА «ЎЗБЕКОНА» КЎРГАЗМА

Анжий (Анжела) Тийгерни Ўзбекистондаги санъат мухлислари ҳали яхши билишмайди. У 1995 йил август ойида Самарқанд ва Тошкентга келган пайтида мамлакатимизда мавжуд тарихий биноларнинг суратларини безагидан лол қолган эди. Натижада эса ранг-баранг ва ажабтовур асарлар дунёга кела бошлади. Ҳозирги пайтда Британия санъат шайдоларида катта таассурот уйғотаётган «Куйла менга, Самарқанд» асари ана шулар жумласидандир.

Рассом ўзининг Уэльсдаги устахонасида Ўзбекистоннинг анъанавий санъатини Британия санъати билан уйғунлаштирувчи ажойиб асарлар туркумини яратди.

Анжий шу йил август ойида Уэльсда ўзининг янги йўналишда яратган асарларининг биринчи кўргазмасини ўтказган эди. 14 октябрдан бошлаб эса Лондондаги Аржайл галереясида Анжела Тийгер хонимнинг «ўзбекона» мавзудаги иккинчи кўргазмаси муваффақиятли намойиш этилмоқда.

**Беруний ОЛИМОВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири.**
**Лондон.**

## ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистонда Банк-молия академияси ташкил этилди. У замонавий банк ишини асосли равишда ўрганиш, иқтисодиёт фани ютуқлари асосида жаҳон даражасидаги молия ходимларини тайёрлаш, давлатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида ташкил қилинди.

4 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тантанали очиш маросими бўлди.

Академияни очиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табрикномасини Бош вазир Уткир Султонов ўқиб берди. Табрикномада мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти мустаҳкамланаётган даврда молиявий ишларнинг аҳамияти катталиги, банк тизимининг муҳим ўрин тутиши қайд этилган эди. Шунга мувофиқ равишда ёш мутахассисларнинг ҳам аҳамияти ортади, улар банк-молия соҳаси тараққиётига янги омил бағишлашлари лозим.

... Шойи тасма тантана билан қирқилади, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари, тадбиркорлар, журналистлар академия биносига кириб келишади. Бу ерда синфхоналарга замонавий жиҳозлар, жумладан «Ай-Би-Эм» корпорациясининг шахсий таълим тизими анжомлари ўрнатилган.

Тантанали йиғилиш иштирокчиларининг нутқларида банк-молия соҳаси учун жаҳон андозалари даражасида малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган дорилфунун сифатида, банклар раҳбар ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатда молия-пул тизими ва банк иши соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш маркази сифатида Банк-молия академиясининг очилиши муҳимлиги таъкидланди.

Банк-молия академиясининг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Банклари уюшмаси раиси Р. Азимов иштирок этди.

(ЎзА).

## ФИДОЙИ ЯШАШ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз И. А. Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари халқ депутатлари Кенгаши сессияларида сўзлаган нутқларини эшитиб, бугунги ҳаётимизга шукроналар айтдим, мамлакатимизда чинакам демократия шаклланаётганига яна ишондим. Юртбошимиз вилоятларни тимсол қилиб гапирди, лекин нутқлардаги гаплар, ҳалолликка, фидойиликка, Ватан учун ёниб яшашга ундов — ҳаммамизга тегишли. Ўзимча қилган бош хулосам шуки — бутун халқимиз, ҳар бир соҳа мутахассислари аҳилликда, бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилсак, ҳар ким ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, фаровон кунлар, буюк келажак янада яқинлашади. Президентимиз нутқлари — фидойи яшашга масъуллигимизни янада оширди.

**Дилдора ХЎЖАЕВА,**
**Тошкент, Ҳамза туманидаги 8-болалар юқумли касалхонаси бўлим мудираси.**

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

ХОРАЗМ. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши куннинг долзарб масаласини кўриб чиқиб, касаба уюшмаларининг 1996 йилги пахта, шоли ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсумидаги иштироки тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда йиғим-теримнинг иштирокчиларига қулай иш, дам олиш шароитларини яратиб бериш, хизмат кўрсатишни талаб даражасида ташкил этиш, теримчиларга иш ҳақининг ўз вақтида берилишига эришишда касаба уюшмаларининг вазифалари кўрсатилган.

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Диққат: танлов!*

## МУХБИРЛИККА МАРҲАМАТ!

***«Ўзбекистон овози» таҳририяти газетанинг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири лавозимига танлов эълон қилади.***

***Бир ой давомида таҳририятга вилоят ҳаётига оид тезкор хабарлар, қизиқарли ахборотлар йўллаб турган журналист-номзодлар ичидан мухбир танлаб олинади.***

**«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти вилоят мухбирлари билан ишлаш маркази.**

## ОЛИМЛАРНИ АЛДАШДИ

Ўзбек олимларининг фан соҳасидаги турли илмий ишлари, кашфиётию ютуқлари нафақат Ватанимизда, балки бутун дунёда тан олиняпти. Шу боисдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Обид Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти олимлари лаборатория мудири, кимё фанлари доктори профессор Аминжон Исмоилов, биология фанлари доктори Ўғилжон Саитмуротова ва камина 22-24 октябрь кунлари Туркиянинг Эскишехир шаҳридаги Анадоли университетида ўтказиладиган табиий бирикмалар кимёси соҳасидаги II Халқаро анжуманга таклиф этилганимиздан хурсанд бўлдик. Институт раҳбарияти ҳам бизга ишониб, ушбу анжуманга юборишга қарор қилди. Очиғи, масъулият ҳисси қаттиқ тайёргарликни талаб этарди, чунки маърузаларимизни инглиз тилида қилишимиз керак эди.

Минг афсуски, қувончимиз узоққа бормади. Унга Тошкент аэропортида нуқта қўйилди. Нега дейсизми? Бизга чипта сотган «боқи-беғамлар» уни қандай сотишган бўлса, шундай осонлик билан бекор қилиб қўя қолишибди. Ҳамма гап шундаки, агар буни биз вақтида билганимизда эди (ваҳоланки, бизнингча, агар йўловчининг чиптаси бекор қилинса, у ҳолда албатта йўловчи аввалдан огоҳлантирилиши лозим) бунчалар асаббузарлик бўлмасди.

Хуллас, бизни айни учиш олдидан хабардор қилишди. Ана энди кўринг уч олимнинг у эшикдан бу эшикка елиб-югуришини. Йўқ, фойдаси бўлмади. Марказий аэрокасса бошлиғи Фозил Кадермеевга учрашганимизда у кишидан «Техник сабабларга кўра сизларнинг чипталарингиз бекор қилинди», деган жавобни олдик.

Бу гап янаям ҳайронлигимизни оширди. Наҳотки, биз уч олимга қолганда «техник сабаб» чиқиб қолса. Хуллас, аэрокасса бошлиғининг сотилган чиптани хоҳласа бекор қилиб, хоҳласа ўз ғайнию танишларига «тўғрилаб» бериши, яна хоҳласа бор билганингни қилавер деб, менсимай боқиши «касрига» биз қолдик. Тижоратчиларга «таъсир қилмай», олимларнинг йўлига тўғон бўлган «техник сабаб»нинг сирини бизга ким айтиб бераркин?!

**Омон ХОЛБЕКОВ,**
**кимё фанлари номзоди.**

*Ажабо!*

## ТЎЛОВНИ ЯШИРИБ, ТАШВИШНИ ОШИРДИЛАР

Баъзи воқеа-ҳодисаларни эшитиб, гувоҳи бўлиб гангиб қоласан, ҳайратга тушасан. Бу гумроҳликми, муғомбирлик?

Қашқадарё вилоят солиқчилари «Шўртангаз» газ конлари бошқармасида бўлиб, ўтган ҳамда 1996 йил биринчи ярим йилликдаги молиявий хўжалик фаолиятида бюджет билан муносабат ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилиши билан танишдилар. Солиқ ва бюджет тўловларидан 29 млн. 805 минг сўм яширилганлиги аниқланди.

Корхона ҳисобидан давлат ғазнасига жарималар билан бирга 32 млн. 144 минг сўм ундириладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисобкитобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотларда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши текширилганда эса 265688 минг сўм дебитор, шундан 141832 минг сўм муддати ўтган қарзлар мавжудлиги маълум бўлди.

Хуллас, бошқарманинг мансабдор шахслари тўловларни яширдилар-у, ўзларига талайгина ташвишни оширдилар.

## «ГУНОҲКОРНИНГ ОЁҒИ ҚАЛТИРАЙДИ»

Солиқ тизими ходимлари халқимизнинг бу доно нақли тўғрилигига деярли ҳар куни дуч келадилар. Айниқса, махсус кийимдаги кишиларни кўрган гуноҳкор савдо ходимларининг ранг-рўйи дарҳол ўзгариб, вужудини титроқ босади.

«Ҳали мени қўрқитадиган паҳлавонни онаси туққани йўқ» деб мақтаниб юрган Китоб туманидаги «Бахт» улгуржи чакана савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятининг сотувчиси Ш. Ғаффоров солиқчилар дўконига киришганда ана шундай ҳолатга тушди. Чунки у навбатдаги харидорни роппароса 127 сўмга алдаган эди. Унинг ҳамкасблари Шаҳрисабз шаҳридаги «Кеш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 48-озиқ-овқат дўкони сотувчиси З. Абдуллаев куппа-кундуз куни 5 шиша «Шаҳрисабз ароғи» харид қилган О. Исматовдан 100 сўм, Қарши шаҳридаги «Ойдин» жамоа савдо фирмаси сотувчиси У. Тошев эса 96 сўм уриб қолганда қоқонга илинди.

Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассислари шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 56 ҳолатда харидорлар ҳақига 2579 сўм хиёнат қилинганлигини аниқладилар. Тўпланган барча ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун маъмурий органларга юборилди.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

*Янги замон одами*

# ИЗЛАГАН ИМКОН, АХТАРГАН МАКОН ТОПАДИ

**Қизилтепа туманидаги «Тошработ» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Тўра Рўзиев билан суҳбат**

**— Тўра Ҳайитович, хўжалик бошқаруви раиси сифатида иш бошлаганингизга олти йил тўляпти. Ана шу йиллар мобайнидаги фаолиятингиз хусусида тўхталсангиз?**

— Очиғини айтсам, менинг раислиғим, қайта қуриш, туб ислоҳотлар даврига тўғри келди. Шўро давридагидек мулкка шахсий кўз билан эмас, балки жамоа кўзи билан қараш, бир кишининг ҳамма учун ишлаши, аниқроғи, ишга чиқдингми, чиқдим ҳолатидаги дафтар қора қилишлар ишимизга анча вақт тўсиқ бўлиб юрди. Бироқ нима бўлганда ҳам ишни иқтисодий ислоҳотларни йўлга қўйишдан, ким ҳалол, виждонан ишласа уни моддий ва маънавий рағбатлантиришдан бошладик. Аввало, алоҳида ерга эгалик ҳиссини шакллантириш, ижара ва ижара пудратини янада такомиллаштириш йўлларини изладик. Тез вақт ичида хўжалик тасарруфидаги 2166 гектар экин экиладиган ва суғориладиган ерларни қатъий шартнома асосида пудратчиларга бўлиб бердик.

Айни пайтда хўжалик бўйича 1450 дан ортиқ ижара асосида ишловчилар фаолият кўрсатяпти. Натижа эса кутилгандан зиёда. Биз илгаригидек деҳқонлар, ғаллакорлар, пахтакорлар ортидан чопиб юрмаймиз. Улардан фақат шартнома шартлари асосида меҳнат ва маҳсулот талаб қиламиз, холос. Ишнинг ана шу илғор тажрибаси боис ютуқларимиз кўп, иқтисодиётимиз баракали.

**— Қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида мамлакатимизда хайрли ишлар қилинмоқда. Айниқса, қишлоқ инфраструктурасини шакллантириш йўлида юртбошимиз, жумладан ҳукуматимиз беқиёс ғамхўрлик кўрсатяпти. Шундай экан, сиз раҳбар бўлган хўжаликда бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Мақтанишни, оғиз кўпиртириб ғапиришни ўзимга эп

кўрмайман-у, бироқ Тошработ кўрғонини шубҳасиз агрошаҳарча, дейиш мумкин. Кўплаб кўшни туманлар аҳолиси биздан келиб савдо-сотиқ қилишади. Бунинг учун эса замин ҳам тайёрлаганмиз. Қўрғон марказида ҳам усти очиқ, ҳам ёпиқ деҳқон бозорлари бор. Ўнлаб савдо дўконлари, чойхоналар, ошхоналар мавжуд. Ҳамма қулайликларга эга бўлган «Тошработ» марказий универмаги кўпчиликнинг ҳожатини чиқармоқда. Бироқ гап буларда эмас. Гап жамоа хўжалиги тасарруфидаги 24 минг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг намунали турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Юқорида саноатни қишлоққа етаклаш, аҳолини иш билан таъминлаш хусусида гап очдингиз. Ривожланишнинг, молиявий аҳволни ўнглашнинг ҳам бирдан-бир йўли — енгил саноатга таянишдир. Кейинги икки йил мобайнида биз хўжаликда ўнлаб кичик корхоналар, цехлар ташкил этдик. Уларда ҳозир 300 киши меҳнат қиляпти. Оҳак ишлаб чиқариш цехи, ганч қуйдириш корхонаси, йилига 1,5 миллион шартли банка ишлаб чиқарадиган консерва заводи ана шулар жумласидандир. Россия билан ҳамкорликда қурилган 2 та тикувчилик цехининг ўзида ҳозир 90 та тикув машинаси бўлиб, 180 нафар уй бекаси, келинчаклар 2 сменада меҳнат қилишяпти.

Булар ҳаммаси эмас, биз Тошработ қўрғонида кичик сут заводи, ихчам оби-нон корхонаси қуриш устида ҳам ишлаяпмиз. Кези келганда яна шуни қайд этиш жоизки, биздаги ҳамма корхона ва цехлар тўлиқ хусусийлаштирилган.

Ана, сизга саноат тизими, ана сизга қишлоқ қиёфасининг тубдан ўзгариши?!

**— «Тошработ» жамоа хўжалиги табиий газ ва тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган экан. Ҳатто бу ерда шаҳарлардаги каби сувни тиндириш ва тозалаш ҳавзаси ҳам ишга туширилибди...**

— Дарвоқе, бизда табиий газ, аҳолининг бу арзон ёқилғига талаб-эҳтиёжи борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биздаги айтарли ҳамма қишлоқлардаги 3900 хонадон «зангори оловдан»дан тўлиқ баҳраманд. «Ҳасанча», «Бободўғи», «Хўжаҳасан», «Мечан» қишлоқларида 3-4 йилдирки табиий газ ёняпти. Икки йилдан ошди, хўжалигимизда тоза ичимлик суви ҳам оқиб турибди. Бу ўринда «Бухоро — Жилвон» ер ости сув ҳавзаси манбаи қўл келди. Шу ҳавзадан 19 километр масофага қувурлар тортиб келиб, қўрғон қишлоқларига тоза зилол сув олиб келдик. Айни пайтда кўчаларга, хонадонларга ҳам водопровод тортиб, оби-ҳаёт киритяпмиз. Булардан ташқари биз 9 та тегирмон мойжувозга ҳам эга бўлиб, халқнинг оғирини енгил қиляпмиз. Мақсад — элнинг оғири енгил, мушкули осон бўлсин. Эндиликда қўрғон маркази тугул ҳар бир қишлоқнинг ўзида деҳқон ва мол бозорлари бўлишига эришяпмиз.

Хуллас, излаган имкон, ахтарган макон топаркан. Демак, изланишдан, интилишдан толмасанг бўлгани.

**Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу мақола саҳифаланаётганда Навоийдан хушхабар олдик: «Тошработ» жамоа хўжалиги пахтакорлари давлатга пахта етказиб бериш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб уддалашди.**




## СУСТКАШЛИКДА АЙБЛАДИ

*ҚУДДУС. 3 ноябрь куни Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху умумий армиянинг бошлиғини Хеврондаги олий даражадаги музокараларда сусткашликка йўл қўйганликда айблади. Бош вазир таъкидлашича, мухолифат раҳбарлари билан музокаралар жуда секин даражада бориши, яна можаро келиб чиқишига олиб келиши мумкин.*

## ПАРЛАМЕНТ АЪЗОСИНИНГ ЎЛИМИ

*ЛОНДОН. Якшанба кунги манбалардан маълум бўлишича, Англия Бош вазири Жон Мейжор ҳукуматдаги парламент аъзоларининг сони биттага камайишини айтган. Парламент аъзоларининг бирй вазифасидан четлатилишини расман эълон қилиш чоғида эса аъзолардан Варри Швейцар вафот этди.*

## МАҲБУСЛАР ОЗОД БЎЛСИН

*ГОНКОНГ. Минглаб гонконгликлар якшанба куни шундай талаб билан кўчаларда намойиш ўтказдилар. Намойиш қатнашчилари Хитой қамоқхоналарида сақланаётган демократия фаолларидан бири Ванг Дан ва бошқа сиёсий диссидентларни озод қилишни талаб этишяпти.*

## МОСКВА МЕҲМОНХОНАСИДАГИ ҚОТИЛЛИК

*МОСКВА. Якшанба куни мамлакатдаги нуфузли меҳмонхоналардан бирида америкалик ишбилармон номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилди. Манбаларда ёзилишича, жиноятчи АҚШ ишбилармони билан узоқ музокаралар олиб борган. Лекин томонлар бир битимга келолмаган, қотил америкаликни ўлдириш билан тортишувга чек қўйган.*

***СУРАТДА: Бухоро шаҳридаги очиқ турдаги «Нигора» ҳиссадорлик жамиятининг тикувчиси Дилором Раҳмонова иш пайтида.***

**Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган сурат.**

**Боёвут туманида бу йил қарийб 17 минг гектар ерда пахта етиштирилган. Туман заршунослари ҳозир пахта йиғиб-териб олиш бўйича вилоятда карвонбошилик қилмоқдалар. Мақсад — жорий йилда ҳосилдорликни 28 центнерга етказиш.**

**СУРАТДА: туман агросаноат уюшмаси раҳбари Абдимавлон Ибодуллаев ҳосил чўғидан мамнун.**

**Н. НИЁЗОВ олган сурат.**

# ТЎЙГА ЎЙИНЧИ КЕРАКМИ?

*Мулоҳаза*

Сирдарё туманида бўлиб ўтган бир тўйда иштирок этдим. У ширин, файзли, бир умр эсда қоларли бўлди. Айниқса, даврани пойтахтдан келган санъаткорлар роса қизитди. Энг қувончлиси, ҳам қўшиқчининг, қолаверса, камтарона хиром айлаган раққосанинг хатти-ҳаракати, одоби, ўзини тутиши барчани мафтун этди.

Ҳа, тўй — яхши удум. Ўша куни қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар бир-бирларининг дийдорларига тўйишади. Лекин... Ҳамма жойда ҳам тўй кўнгилдагидек ўтяптими? Афсуски, йўқ! Ўзим гувоҳ бўлган шу туманнинг «Шоликор» ширкатлар уюшмасидаги тўйнинг ажабтовур ҳангомасини айтайин. Каттагина давра. Ўртада ўйинчи хиром айлаяпти. Бошланишда у яхшигина ўйнаётганди. Кўп ўтмади, «қилиғи»ни бошлади. Чунки бу орада базмдагилар сал-пал қизишиб ҳам олишганди-да. Ҳалиги ўйинчиям худди шу дақиқаларни кутиб тургандек, қўли билан ўтирганларнинг бош кийимларига тегинар, тескари қилиб қўяр, пул қистирмаганларнинг дўппи, шляпаларини олиб калака қилиб ўйнаб кетарди. Унинг бу беўхшов қилиғидан уялганлар чўнтак кавлаб пул тутишга мажбур бўлишарди.

Қизиқ, дўпписини ёки шляпасини раққоса илиб кетиб тегажоқлик қилган одамнинг киссасида пули бўлса яхши, бўлмаса-чи? Ахир тўйхона бозор эмаски, ҳаммаям киссасига пул солиб чиқаверса. Шундай пайтда ҳалиги одамнинг хижолатпазлигини тасаввур қилиб кўринг-а! Ҳатто шундайлари ҳам борки, пул чиқарсанг ароқ ичиб, бўса беришга ҳам тайёр.

Нималар бўляпти ўзи? Ҳаё, ибо, латофат деган инсоний фазилатлар қаёқда қолди? Халқимиз санъатни, санъаткорни севади, ардоқлайди, ҳурматини жойига қўяди. Тўй-ҳашамларда улар учун алоҳида жой қилишади, уй ажратишади. Бу иззат-ҳурматни оёқости қилиш инсофсизликдан, нонкўрликдан бўлак нарса эмас!

ТЎЙЛАРГА ЎЙИНЧИ КЕРАКМИ? Бу савол мени кўпдан бери қийнаб келади. Агарда раққосада ўзига яраша маданият, миллий анъаналаримизга садоқат, бошқаларга ҳурмат, ҳаё бўлса, ундайларни таклиф этиш мумкин. Умуман, назаримда тўйга келадиган ўйинчи маҳаллий халқ урф-одатларини яхши тушунмоғи, ҳурматлаши лозим. Сир эмас, айрим ҳаваскор хонандалар турли жойлардан, касби бетайинларни раққоса сифатида ўзлари билан олиб келишади. Бундайлар даврани икки-уч соат «гуллатиб», одамлардан пул йиғиб олишади.

Яна бир мисол: Самарқанд шаҳрида тўйда қатнашдим. Камида 300 — 400 кишилик давра. Базмда ўйинчи қатнашмади. Аммо тўй жуда файзли, мазмунли ўтди. Қайтаётганимизда бир ҳамроҳим ҳам қувониб, ҳам куйиниб «ўйинчисиз ҳам тўй қилса бўларканку!» деди...

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг кўп жойларида катта-кичик тўйларга ўйинчи чақирилмайди. Санъаткорлар замонавий ва мумтоз қўшиқлар қуйлашади. Даврадагилар навбати билан рақсга тушишади.

Биз ҳамма тўй ўйинчиларсиз ўтсин, деган қатъий фикрдан йироқмиз. Буни тўй эгалари, маҳалла фаоллари, қишлоқ оқсоқоллари ҳал этишгани маъқул. Сиз нима дейсиз?

**Абдураззоқ БУРЛИЕВ,**
**Сирдарё вилояти.**

*Юрт ўғлонлари*

# ЧАМАНКЎЛНИ ЧАМАН ҚИЛМОҚЧИ

Қизириқ туманида Эшпўлат Нурматов деган тадбиркор бор. Болалигидан мусиқага ошуфта: бастакорми ё созандами бўлмоқчи эди. Тошкентга бориб, ҳужжатларини энди артистликка ўқишга топширмоқчи бўлганида раъйини қайтаришган...

Қўйинчи, у бригадир бўлди. Лекин қирқ гектарча ернинг иши унга оз кўринди. Чаманкўл деган қамишзорнинг сувини қочириб, кунига 40-50 тонна буғдойни росмана ун қиладиган тегирмон қурди. Тегирмон қаёқда, Чаманкўлда икки-уч йилда ун заводи қад ростлади! Туман ғаллакорлари ҳосилни эллик-олтмиш чақиримга ташиб элтиш ташвишидан фориғ бўлдилар. Чаманкўлда қамиш эмас, атиргул ўсадиган бўлиб қолди. Чойхона, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш иморатлари қурилди. Новвойхона, темирчилик устахонаси ишга туширилди. Яроқсиз деб ташлаб юборилган темир-терсакларни битталаб йиғиб, бир ерда туриб ишлайдиган комбайнни тиклаб олди. Комбайн билан Чаманкўл қишлоғи томорқаларида экилган ғалла янчилди.

— Ғалла ўзимиздан, завод ўзимиздан эди. Энди ун халтаям ўзимиздан чиқяпти: Термиздаги «Сурхон-лимитед» корхонаси шартнома бўйича бизга 15 килолик полиэтилен халталар етказиб беряпти. Бу ҳам бизга, ҳам истеъмолчига қулай, — дейди Эшпўлат.

Унинг қилган ишларидан ҳам режалари ғаройиб:

— Йод ишлаб чиқарадиган цех қурамиз корхонамиз қошида, — дерди. Ҳозир қуряпти. Корхонага қарашли 40 гектарча ер бор. Ернинг ғалладан бўшаган қисмига ошкади (ошқовоқ) экди. Ошкади — сабзавот. Ошкади — чорвага ем. Ошкади уруғи — тиббий малҳам. Валютага сотиладиган маҳсулот.

Эшпўлат телефонда Термиз билан гаплашиб қолди.

— Насиб этса яна уч йилдан сўнг ҳисоб берсак, бўлакча гап бўлар, — деди. Ниятлари эса амалга ошгудай бўлсами, Чаманкўлни нақ заводу, фабрикаю цехлардан иборат шаҳрчага айлантирмоққа чоғланяпти. «Шаҳарча кечаларим чароғон бўлади. Ками билан 500 одамга иш ўрни яратамиз, — дейди у. — Бугунги ишларимиз... катта ниятларнинг оддий бир мукаддимаси-ку»...

Ниятингиз йўлдош бўлсин, Эшпўлат!

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Шифокор огоҳлантиради*

# РАК БЕДАВОМИ?

Ҳозирги замон тиббиёт илми олдида ечимини кутаётган энг долзарб муаммолардан бири рак хасалигидир. Дунё бўйича ҳар йили бу дард билан олти миллион киши оғрийди. Касаллик фақат катта ёшдагиларда эмас, болаларда ҳам учрамоқда. Лекин маълум фоиз беморлар шу оғир касалликнинг сўнгги босқичида шифохонага мурожаат қилганлиги сабабли ҳаётдан кўз юмадилар. Бу аччиқ ҳақиқатдир.

Ўсма тўқима хужайраларининг касалланиб кўпайиши натижасида пайдо бўлади. Яхши ва ёмон сифатли ўсмалар фарқланади. Яхши сифатли ўсмалар секин ўсади, инсон ҳаётига деярли хавф туғдирмайди.

Рак ибораси эпителиал тўқимадан ривожланувчи ёмон сифатли ўсмани ифодалайди. Бу ўсманинг ривожланиши атрофдаги соғлом тўқималарни емириши билан характерланади. Қўшувчи тўқималардан юзага келувчи ёмон сифатли ўсмалар кесиб қўрилганда балиқ гўштини эслатганлиги учун саркома (гўшт) деб номланган. Рак ва саркома иборалари тиббиётга Гиппократ томонидан киритилган. Ҳозирга қадар ёмон сифатли ўсмаларнинг 200 га яқин тури мавжуд.

Касалликнинг келиб чиқишида ташқи муҳитда учрайдиган кимёвий, физик, биологик омиллар етакчи роль ўйнайди. Инсон танаси аъзоларининг сурункали яллиғланиши натижасида ривожланадиган касалликлар, қуйишдан кейин пайдо бўлган чандиқлар, оқмалар ўсмаолди хасталиклари гуруҳига киради. Чекиш, носвой истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар ичиш натижасида шиллиқ пардаларда сурункали яллиғланиш кучаяди.

Ракнинг ривожланишида тўрт босқич қайд этилади: дастлабкисида ўсма тўқима ва аъзода жойлашган бўлиб, унинг хужайралари қон ва лимфага ўтмайди. Кейинги босқичда ўсма хужайралари аъзо яқинидаги лимфа тугунларига ўтади. Ўсманинг бошқа аъзоларга ўтишидан пайдо бўлган иккиламчи ўсма метастаз деб номланган. Сўнг ўсма атрофдаги тўқималарга ўсиб киради ва лимфа тугунларига метастаз беради. Сўнгги босқичда ўсма бирламчи аъзодан узоқдаги аъзога метастаз бериб, организм бўйлаб тарқалиб кетади.

Ўсма хасталиги дастлаб одатда белгисиз ёки ҳар хил сурункали яллиғланиш касалликлари ниқобида ўтади. Кейинги икки босқичда ўсма хужайраси ишлаб чиққан заҳарли моддаларнинг қонга сўрилиши туфайли ўсманинг билвосита ва бевосита белгилари пайдо булади. Буларга ҳолсизланиш, иштаҳанинг сусайиши, руҳий тушкунлик белгилари, вақти-вақти билан иситманинг кўтарилиб туриши, озиш киради. Сўнгги босқичда хасталикнинг бевосита белгилари ва унинг асоратлари кузатилади. Шуни таъкидлаш жоизки, олимларнинг фикрича рак касаллиги атрофдагиларга юқмайди.

**Саид РЎЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳар бош онкологи, тиббиёт фанлари номзоди.**

# «МЕНГА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕРИНГ!»

**Умрининг сўнгги бекатига барвақт етиб келган қотилнинг иқрори бу**

*Ҳукм ўқилди*

Ёрқин ўйлаб қараса Вобкент шаҳрида яшовчи, ўзига тўқ қўшниларидан анчасининг уйини тунабди. Ҳатто айримларини уч бора! Аммо ҳеч ким ундан гумон қилмайди, милицияга бормайди. Нега? Бу ҳақда ўйлаб нима қилади ҳозир. Энди навбат қўшни кўчага. Ҳа, анови Гулистон кўчасида яшовчи чол-кампирникига кирса-чи? Ҳеч ким йўқ, балки топган-тутганини тугиб қўяр... Бунинг устига ҳовлисига томдан тушиш анча қулай.

Шу ўй билан ярим тунгача ухлай олмади. Ўлжага тушган «Шоҳруд» арағидан бир шишасини ичди: «Ахир, арақ бардам қилади-да, қўрқмайсан киши. Эски анжомлар тахт: бир метрли арматура, арқон, елкасига осадиган халта. Ҳар ғалгидек омадини берсин-да илоҳим».

Аракдан боши қизиган қароқчи ўғрилик учун асқотадиган воситаларни олиб Равшан бобонинг ҳовлисига тушди. Аста бўш хоналарнинг бирига кириб тонг отишини кутди.

Тонг ёришди. Чол-кампир ҳовлидан чиқиб кетишгунча соат саккиз ҳам бўлди. Ниҳоят улар чиқишди. Энди бошлайверса бўлар.

Ёрқин ташқари чиққанда кўзи ҳовлида ётган болтачага тушди. Уни олиб уйдаги сандиқни очди. Бўғчада рўмолчалар, калишлар, арақ. Ҳаммасини олди. Кўрпачаларни ағдарувди пул чиқди: 14800 сўм экан. Чол-кампир буларни санчилди. Бобой юз тубан йиқилди. Кўзи қонга тўлган Ёрқин яна зарб билан чолнинг бош қисмига бир неча бор урди. Ҳамма ёқ қонга беланди. Ўғри бир зум мурда тепасида туриб ўйлади: «Изни йўқотиш керак. Бунинг йўли мурдага ҳам, уйга ҳам ўт қўйиш!»

Болта дамини ювиб, уни тандирга улоқтирди. Уйдан пахта мойи, ўтин олиб келиб қонга беланиб ётган чолнинг устига ташлади. Ёғдан сепди, қоғоз билан ўтинни туташтирди. Қўшни хонага ўтиб, уйга ҳам ўт қўйди.

— Ана энди, топиб бўлишибди, ҳаммаси куйиб кул бўлади!

Қотил ўлжаларни орқалаб ҳовлидан бамайлихотир чиқиб кетди. Лекин у ўйлаганча ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолмади. Марҳум Равшанбобо Ҳожиев хонадонидаги ёнғин ўчирилди. Етмиш ёшли бобонинг танаси асосан куйганди. Хотини Раҳима бувининг ноласи кўкни тутди. Воқеа содир бўлган шу йилнинг 12 июни шаҳарликлар қалбини ларзага солди. Фақат пенсия билан кун ўлимлик учун қўйишган бўлса ажабмас. Нима бўпти, худо берди, оладида. Омонат дафтарчаси, паспортларни ҳам халтага урди.

Халтани елкасига ортиб эндигина кетмоқчи эди, хонага бехосдан Равшанбобо кириб келса бўладими.

«Бўлар иш бўлди, ўлдиришдан бошқа чора йўқ».

Шу ўй миясида яшиндек чақнади. Болтани қўлга олиб даҳлиз эшигининг орқасига бекинди.

Болтанинг ўткир кесувчи дами чолнинг юзига қўраётган чолга кимнинг ғарази бор экан, деган савол ҳаммани ўйлантирарди.

Орадан кўп ўтмай туман ички ишлар бўлимининг навбатчи хонасидаги телефон жиринглади. Ундан кимнингдир илтижоли овози эшитилди. Бу Ёрқиннинг отаси эди. У кайф қилиб олган ўғлининг уйдагиларга тинчлик бермаётганлиги ҳақида безовта гапирарди...

Қотилнинг қўлига кишан солишди. Тергов жараёнида шаҳарда содир этилган қатор ўғриликлар, қотиллик 22 яшар Ёрқин Турсуновнинг иши бўлиб чиқди. У Вобкент шаҳрида туғилган, Гулистон кўчасида ота-онаси билан яшаб келган. Иш жойининг тайини йўқ.

— Бундан бир йил олдин ўғлим Ёрқин ҳарбий хизматдан келди, — дейди Эркин Турсунов. — Аммо шунча айтсам ҳам ишга кирмади.

Бу гапни онаси Саломат ҳам айтди. Қаранг, фарзанд ота-она гапига кирмаса, бунга ким айбдор? Ота-она бефарқ, маҳалла-кўй лоқайд, қўшнилар мудроқ. Ахир, ўғил пулни, кийимни қаердан оляпти, қаерларда санғиб юрибди — ота-она сўрамайдими? Бир йил давомида шу маҳаллада яшовчи қўшниси Юнус Камоловнинг уйидан 16720 сўмлик, Бақо Холовнинг ҳовлисидан 1220, Аҳмад Жамоловнинг уйидан 89470 сўмлик мол-мулкни ўғрилаб, уларни ҳазм қиладию ота-она, акаукаларнинг бирортаси пайқашмаса? Ахир, ўғиллари ўзига ўзи аллақачон ҳукм чиқарган: Энг олий жазо — ўлим жазоси.

Ёрқин Турсуновнинг қилмишлари Бухоро вилоят судининг судьяси Ҳикмат Аҳмедов раислигида кўриб чиқилди. Вобкент тумани халқ суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Ё. Турсунов барча айбини бўйнига олди. Суд одил ҳукм чиқарди: Одамийлик қиёфасини йўқотган Ё. Турсуновга энг олий жазо — ўлим жазоси тайинланди.

Бундай пайтда ўйланиб қоласан киши: давлатимизда инсон камолоти учун қанчалик қайғурилмоқда. Ҳамма ерда яратувчилик, эртанги кунга комил ишонч руҳи барқарор. Шундай пайтда баъзи ёшлар нега ёмон йўлга кирадилар? Севишсевилиш, оила қувончи, эл-юрт ташвишидек бахтдан мосуво бўладилар. Ҳаммасига жавоб битта назаримизда: нима эксанг — шуни ўрасан.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Обуна — 97

# «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ЎҚИЙСИЗМИ?

**Андижонликлар «ернинг тили»ни тушунадиган, сўзнинг, эзгуликнинг қадрини биладиган, меҳмоннавозликни жойига қўядиган зиёли ва оқибатли халқ. Обуна мавсуми бошланиши муносабати билан яқинда вилоятда сафарда бўлиб, бу ердаги юртдошларимизнинг айримларига «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ни ўқийсизми?» деган савол билан мурожаат қилдик, уларнинг матбуотимизга бўлган муносабати билан қизиқдик.**

***Булоқбоши ихтисослашган акционерлик тижорат «Пахта-банки» бошқарувчиси Ойбек ЗОҲИДОВ:***

— Маънавияти кучли одам ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Ишим юришмай турган пайтда ҳам бирор яхшироқ мақола ўқиб қолсам бирданига хотиржам бўлиб қоламан. Газеталарни бир-бирига солиштириб кўраман. Тўғрисини айтсам, «Ўзбекистон овози»ни бутун жамоамиз билан яхши кўриб ўқиймиз. Бу йил ҳам унга ходимларимиз Алишер Холмирзаев, Абдураҳим Жўраев, Тоҳиржон Ғожиматов, Миркомил Йўлдошевлар билан бирга ўзим бош бўлиб 1997 йил учун обуна бўлдик. Фақат бир истак: қишлоқда жуда кўп истеъдодлар яшайди. Ушалар ҳақида ҳам батафсилроқ ёзиш керак. Токи улар сизнинг далдангиз билан қанот чиқариб, Ўзбекистон бўйлаб парвоз қилишга чоғланишсин.

***Избоскан тумани ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Сайдулло БЕГАЛИЕВ:***

— Давр ўзгаряпти. Бугунги кунни илгариги, ҳатто бир йил олдинги пайт билан ҳам тенглаштириб бўлмайди. Ҳозир одамлар газетага нон ўрамай қўйди. «Ўзбекистон овози»га туманимизда қизиқиш катта. Унинг дадиллиги, ҳозиржавоблиги, ҳукуматимиз қарорлари ва Президент Фармонларига шарҳларнинг ўз вақтида — халқона тилда, тушунарли қилиб берилаётгани бизга ниҳоятда маъқул. Демоқчиманки, тарғиб қилмасаларингиз ҳам унга жондилимиз билан обуна бўламиз. Қолаверса, сувнинг бошидамиз, тоза сув ичадиган халқнинг кўнгли ҳам тоза бўлади-да! Гапнинг пўст калласини айтадиган бўлсам, туманимиз бўйича, 420 нафар одам «Ўзбекистон овози»га 1997 йил учун, албатта, обуна бўлади. Ундан ортиқчаси эса халқимизнинг ҳимматига ва чўнтагига боғлиқ.

***Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, «Дўстлик» ордени нишондори, уста пахтакор Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА:***

— 1962 йилдан буён бу газетани битта қўймай ўқийман. Унинг номиёқ қулоққа яқин. Биров исмингизни айтиб чақирса, дарров «лаббай» дейсиз. «Ўзбекистон овози» ҳам халқнинг дардига «лаббай» деб жавоб берадиган, яхши кунларимизга ҳаммадан олдин пешвоз чиқадиган эпчил газета.

***Булоқбоши туман давлат «Суғурта» идораси бошлиғи Аъзамжон МАТКАРИМОВ:***

— Чиқаётган газета ва журналларнинг тиражига қараб одамлар матбуотдан узоқлашиб кетди, деган фикрга сираям қўшилмайман. Ҳозир ҳам ярим тўғрам нон еб, газета-журнал ўқиб суюниб юрган зиёли одамлар орамизда кўп. Шахсан мен «Ўзбекистон овози»ни ўқишни бурчим деб ҳисоблайман, чунки бу газета энг халқона нашрдир. Ундан кейин бу газетада иқтисодиёт ва маънавият уйғунлиги бор ва бу уйғунлик ҳаётий лавҳалар, тажрибалар мисолида газетахонларга етказилади. Тўғри, газета қорин тўйдирмайди, лекин руҳни кўтаради. Руҳи баланд киши эса ҳар қандай шароитда оч қолмайди. Мен келгуси йилда «Ўзбекистон овози»нинг муштарийлари яна ҳам кўпайсин, дейман.

**Дарҳақиқат, «Ўзбекистон овози» кўпни кўрган, иссиқ-совуқ ни бошидан кечирган отахон газета.**

**У билан ҳамкор бўлсангиз — ютқазмайсиз!**

**Суҳбатдош: Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.**

Тўйҳат

# УСТОЗНИ АЙТСАМ...

Устозингни айт, мен сенинг кимлигингни, қанча узоққа бора олишингни айтиб бераман, деган гап тўғроқ бўлса керак.

Мен газета-журналларда ишлаш давомида турфа одамларни — гўзал фазилат эгаларини ҳам, бундайроқларини ҳам кўрдим. Улар орасида худо иқтидордан зиғирча қисмаганлари ҳам, қалам билан туғилганлари ҳам, адолат туйғуси кучли, имони бутунлари ҳам, киройи устозинг шундай бўлса деб орзу қилиб юрадиганлари ҳам бор эди. Лекин яна бир одам ҳам бор эдики, унда шу тўрттала фазилат мужассам эди. Кўплар ҳалигача шунга тан берадилар.

У менинг устозим! Бугунги ҳикоям шу киши ҳақида.

Бандасининг ишини ўнгламоқчи бўлса, худо яхши устозга йўлиқтиради шекилли. Ҳарқалай мен билан шундай бўлди. Биласиз, инженер-қурувчиман. Институтни янги битирган кезларим. Тошкентдаги лойиҳа институтларидан бирига юборилганман. Бу ёқда Ғайратий домланинг тўгаракларига қатнашиб ҳам тураман. Биринчи қиссамни Одил Ёқубов ўқиб, оқ йўл ёзиб берган пайтлари. Лойиҳа институтида эса Тошкентда қуриладиган панорама кинотеатри лойиҳаси ишланаётган эди. Бир куни Раҳмон деган инженер дўстим билан шу ҳақда бир нарса ёзиб, газета идорасига кўтариб бордик. Ўқиб кўриб қабул қилиб олишди ва хабар олиб туринг дейишди. Лекин уч кун ўтмай газетани олиб кўрсам, ҳалиги мақолача «Совет Ўзбекистони»дай газетанинг тўртинчи бетида энг чиройли ҳарфлар билан, яъни курсивда терилиб чиқибди. Хурсанд бўлиб юрсак, эртасига ўзимни чақиртириб:

— Ҳамкасбларингиздан биронтаси ҳақида бирор нарса ёзиб беролмайсизми? — деб сўрашди.

— Ўйлаб кўрайчи, — дедим. Институтга келиб дўстларимга айтдим бу гапни. Шунда улар:

— Зотовни ёз, Зотовни. Икки кўзи ожиз одам меъморчилик қилаётганини ёз, — деб қисташди. Институтимизда урушда икки кўзидан ажраган, ҳамиша дўсти ишга етаклаб келадиган бир етакчи мутахассис бор эди. Шуни очерк қилиб ёзиб, яна ўша идорага, ўша бўлим мудирига олиб бордим. Бунгача у кишининг на исмини, на фамилиясини биламан. Олиб қолишди ва уч кун ўтиб яна чиқаришди. Борсам, бўлим мудирининг айтган гапи шу бўлди:

— Келдингизми? Сизни муҳаррир кутяпти. У кишига кирамиз. Юринг.

Мен нима қилиб қўйибман, бериб бўлмайдиган нарсани ёзибманми, деб қўрқиб турибман... Шундай қилиб, мени бош муҳаррир Есенбоевнинг ҳузурига олиб киришди. Кўришиб ўтирдик.

— Мен айтган очерк муаллифи шу йигит, — деди бўлим мудири.

— Сиз — Мансуровмисиз? — дедилар у киши, — очеркингизни ўқидим. Бизнинг журналистларимиз ҳам ёзса, шунчалик ёзади. Бизга ишга келасизми?

— Қандай бўларкин? — дедим мен.

— Бизга сиздек қалами бор мутахассислар керак, — дедилар у киши.

Ойликни сўрадилар, холос. Бошқа ҳеч нарса сўрамадилар ҳам, суриштирмадилар ҳам. Қаердансиз, кимлар кафолат бера олади, деган гаплар умуман бўлгани йўқ. Шундай қилиб, ўша одамнинг қўлига ишга бориб қолдим. Борганимдан кейин ҳалиги очерким чиқди. Летучкада мақталди. Яна учтўртта нарса ёздим. Гувиллаб, тўхтамай кетяпти. Ҳатто машбюрода «келинг-келинглаб» кутиб олишади. Озгина ҳаво пайдо қилганмиз шекилли, бир куни кечқурун ҳалиги мудиримиз:

— Муроджон, кетасизми? — деб қолдилар. Бирга-бирга анҳор ёқалаб кетдик. Ўша куни, ўша йўлда мен бир умр эсдан чиқармайдиган гап бўлди.

— Муроджон ука, мен сизга бўладиган гапни айтиб қўя қолай, — дедилар у киши, бетимга қарамай. — Биласиз, биз бошқа соҳанинг одамларимиз. Ман-ман деган газетачилар, қалам аҳллари орасида ишлаб юрибмиз. Агар улардан бир поғона баланд нарса ёзмасаканмиз, бу ерда ишламаганимиз яхши. Ўзимизнинг соҳада ҳам оч қолмаймиз... тўғрими?

Мен ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим. Ва тушундим, бошқа қайтарилмайди, дедим. Шу гапга ўша ерда нуқта қўйдим. Бошқа қайтарилмади. Шу-шу ўз отам ҳам айтмайдиган ўша гап — қулоғим остида. Бекорчи, ўртача, шунчаки, майда нарса ёзмасликка ҳаракат қиламан. Нари юраман. Устознинг бу наказини қанчалик уддаладим, баҳо бериш у кишидан, бошқалардан. Лекин ўзим унга амал қилиб, кам бўлмадим, деб ўйлайман. Қаерларда ишламадим, нималар ёзмадим, ҳамиша ўша кишининг насиҳатига амал қилишга уриниб келдим. Шунинг учун ҳам сиз билган энг яхши журналист ким деган саволга Абдулла Абдуқодиров дейман. У киши мен билган журналистлар ичида Абдукарим Набихўжаевга ўхшаб газетачиликка туғилган эди, афсуски кейинги пайтда марказий матбуотдан нарироққа бориб қолдилар. Мен билган одамлар орасида бир газетани берса, чинакам гуллатадиган устозлардан эди, афсуски, муҳаррирлик ҳар кимга насиб этавермас экан. Маърифат аҳли ҳамиша қадр топгай, дер эдилар у киши. Чархнинг кажрафторлигини қарангки, қанча шогирдлари унвонларга муяссар бўлганда, устоз унутилди...

Улар бизга устозлик қилган даврда хўб яхши анъаналар бор эди. Масалан, айтсам, республиканинг қайси чеккасида бир кучли қалам соҳиби чиқса, кимлигидан қатъи назар ишга чақиртириб олинар, қаламига қараб баҳо бериларди.

Қишлоқдан келиб, қалами, иши туфайли танилиб, тез кунда бўлим мудири, саркотиб бўлиб кетган ҳамкасбларимизни яхши биламиз. Қаламига қараб тан олиш — ёзилмаган қонун эди. Мен «Совет Ўзбекистони»нинг саноат бўлимида Абдулла аканинг қўл остида ишлаган кезларимни олтин даврдеб биламан. Ўшанда ҳар битта мақоламизни ўртада ўқиб, муҳокама этиб, фақат ўз даражамизга тўғри келсагина ўтказиб ишлаганимизни, ҳатто биргалашиб сарлавҳа топганларимизни энтикиб эслайман.

Редакцияда ички танловлар бўлар эди. Митти ҳикоялар ёзардик. Фақат зўрларини танлаб босишарди. Чинакам ижодий муҳит мавжуд эди. Ўткир Ҳошимов, Самар Нуров, Самад Қодиров, Маҳкам Маҳмудов, Миршароф Муҳсимов, Ўткир Абдуазимов, Ўктам Усмонов, Жўра Холқосимов, Михли Сафаров, Салоҳиддин Муҳиддиновлар ўша муҳитда униб ўсдилар, танилдилар. Биз ўшандай муҳит яратган устозларимиздан миннатдор бўлсак арзийди.

Устозим Абдулла аканинг ўзи ҳам ўшандан кейин кўп катта идораларда ҳалол ишладилар. «Социалистическая индустрия» — Москвада чиқадиган газетанинг Ўрта Осиё бўйича мухбири бўлиб турганларида ҳам, Ўзбекистон телевидениесида ижтимоий кўрсатувлар таҳририятини бошқарганларида ҳам, Ўзбекистон телеграф агентлигида ишлаганларида ҳам биз тез-тез учрашиб турардик. Мен ҳамма гаплардан хабарим бор. У киши қаерда бўлмасинлар, ўз қатъийлигидан чекинмадилар, адолат туйғусини баланд тутдилар, гина-хафачиликлардан устун турдилар.

Яна бир миннатдорчилигимни айтай. Абдулла аканинг геолог дўстлари ўша вақтлари ҳар экспедициядан кейин у кишини кўргани келишар, шунда хонамизда уларнинг ғаройиб саргузаштларини эшитишга муяссар бўлар эдик. Ва бир куни Мамажон ака Эгамбердиев Уст-юртдаги машҳур ядашувни ҳикоя қилиб бериб қолди. Биз уни жон қулоғимизни бериб эшитдик. Кейинчалик ўша саргузашт асосида мен «Ҳамманинг яшагиси келади» деган қисса ёздим ва у кўпларнинг назарига тушди. Шу қиссанинг туғилишига туртки берганлари учун ҳам ва, умуман, мени қалам аҳли дунёсига олиб кириб устозлик қилганлари учун Абдулла ака Абдуқодировдан бир умр миннатдорман.

**Муроджон МАНСУРОВ,**
**ёзувчи.**



***Юртимиз яйловлари.***

**Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.**

Хорижда

## КУМУШМИ Ё ҚЎРҒОШИН?

Колумбияда мафиянинг мавқеи анча юқорилиги барчага маълум. Лекин, кейинги йилларда Мексикадаги гиёҳвандлик моддаларини пуллаш билан шуғулланувчи уюшган гуруҳлар Колумбиядаги «ҳамкасб»ларидан асло қолишмайдиган бўлиб кетишди.

Ушбу мамлакат бош прокуратураси ходимларининг маълум қилишича, Мексикада 19 та ана шундай йирик гуруҳ бўлиб, улардан 2 таси катта самолётлар қўниб уча оладиган ўз аэропортига эга. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳам мафия билан кенг кўламда «ҳамкорлик» қилаётир. Улар ойига давлатдан — беш юз доллар маош олгандан кўра, 40 минг доллар олиб, мафия билан ишлаш яхшироқ дейишмоқда. Чунки, мексикаликларнинг таъкидлашича, «мафиянинг кумушини олишдан бош тортган одам, ундан қўрғошин (ўқ) олади».

## НОМАЪЛУМ ҚАБИЛА

Индонезиянинг Ириан Жой вилоятида шу вақтгача этнографларга номаълум бўлган қабила топилди. Фан учун янгилик бўлган бу қабила аъзолари ўзининг ташқи кўриниши билан Ириан жойликларидан кескин фарқ қилади. Улар оқ танли, узун бўйли бўлиб, Вериагар дарёсининг юқори қисмларида яшайди. Қабила ҳаётининг асосий манбаи — балиқ ва турли-туман ўт-ўланлар.

Индонезиялик олимларнинг таъкидлашича, ҳозирча уларга яқинлашишнинг иложи бўлмаяпти. Чунки, махсус қўшлар «бегона»ларнинг келаётгани ҳақида дарров «ахборот» узатиб, «оқ танлилар»нинг ўз вақтида яширинишига ёрдам бераётир.

Ҳаётнинг оғриқ нуқталари

# ХЎЖАИПОККА ЭЪТИБОР КЕРАК

Ҳужаипок — Жанубий-Ғарбий Ҳисор тоғ тизмаларининг кунгай тарафидаги тоғ этакларида жойлашган бўлиб, Қиршаксой узани билан туташиб кетган. Тоғлари шундай кўркамки, боши ва белидан туртиб чиққан ҳарсангтошлар қўлигул уста тош билан терган шошқалоқ қалъани эслатади. Тоғлар бағрида ўсган ўт-ўлан, гиёҳ, бута ва дарахт турларининг ҳисоби йўқ. Қамаши тумани марказидан 60 чақирим узоқликда жойлашган шифо масканида мавсум давомида (10 июндан 10 августгача) минглаб одамларнинг келиб даволаниши бу жойнинг муқаддаслигидан далолат бериб туради.

— Айтишларича, — дейди шифо маскани дўхтири Рустам Холиёров. — Ҳужаипок, Ҳужатулло, Ҳужамаҳмуд, Ҳужаҳайрота, Ҳужабуржибаланд, Ҳужасой деган оғайнилар яшаб ўтган экан. Шулардан бири — Ҳужаипок мана шу чашма чиқиб турган жойга гойиб бўлган. Қабрлари ҳам бор. Бу гаплардан қатъи назар беназир сув ва балчиққа келган дардманд шифо кўрмай қайтган эмас. Сувининг шифобахшлигини анқиб турган газга ўхшаш ҳиддан билса ҳам бўлади. Қамаши, Деҳқонобод, Бешкент, Яккабоғ физиотерапия касалхоналари тўрт йилдан бери балчиқ сувидан муолажада кенг фойдаланмоқда.

Бир ривоят. «Тангиҳарам» азалдан чорвадорлар макони. Гунгларнинг бисёрлиги туфайли пашша ва каналарнинг қупайишига сабаб бўлган. Натижада одамлар қўтир, эшакем, қичима каби касалликларга чалинибдилар. Халқ орасида ақлли ўрмонбеги яшаркан. У бу дарддан халос этиш чорасини ўйлабди. Гунгларни тозалаттирибди. Одамларнинг Ҳужаипок сувига чўмилишини, балчиғидан фойдаланишни таклиф этибди. Халқ дарддан фориг бўлиб покланибди. Шу-шу бу ер «Ҳужаипок» — яъни покиза ҳужайин» деб атала бошланибди.

Манбалардан маълумки, Йўлдош Охунбобоев 1936 йилда Ҳужаипок чашмасини келиб кўрган. Қайтиш пайтида бир шиша чашма сувидан олиб, олимларга текшириш учун олиб кетган. Ва бу ерда санаторий барпо этиш лозимлигини кўнглидан ўтказган. Бу ният уруш туфайли амалга ошмаган. 1987 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги саломатликни қайта тиклаш институтининг илмий ходимлари Ҳужаипок сувининг таркибини ўрганиб, унинг шифобахшлигини тан олишди.

— Олиб борилган текширишлар хулосаси шуни кўрсатадики, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими М. Усмонов, — Ҳужаипок сувининг ҳар бир литри таркибида 114 грамм натрий, калий, кальция, магний, хлор ва бошқа ҳар хил тузлар, олтингугурт, гидрокарбонат, сульфат ва бошқа моддалар борлиги аниқланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги шуларни ҳисобга олиб, бу ерда тери, юрак-қон томир, неврология ва бошқа хасталикларни даволашга тавсия берди.

— Фойда кўрмаса бу ерга дардмандлар келармиди. Бироқ бу ернинг шароити яхши эмас. Хоналар етишмайди. Соя-салқин жой йўқ. Йўл азобини айтмайсизми? Бирор бир бой ташкилот бу шифо масканнини оталиққа олиб, санаторий очса, йўлларини обод, кўкаламзорлаштирса келиб-кетувчи одамларнинг, хусусан кексаларнинг дуосини олиб, савобга қоларди. Бир йилда минг киши келиб шифо олса, борингки, бир йўлланма уч минг сум баҳоланса, 2 ойда 3 млн. сум даромад кўради. Санаторий очилса, йил буйи ишлаган тақдирда 18 млн. соф фойда тушади. Бундай даромадни энг бой хўжалик ҳам кўрмайди-ку!? — дардлашди биз билан яккабоғлик бир гуруҳ шифо истаб келувчилар. Тожикистон, Туркманистондан келганлар ҳам шундай фикр билдирдилар.

«Қўнгирот» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ҳужаипок чашмаси денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган. Оҳактошлардан иборат тоғ қатламини тешиб, қайнаб чиқаётган чашма суви шўрроқ бўлиб, иссиқлиги 18-25 даража, олтингугурт ҳиди анқиб туради. Неча асрки, бу шифобахш чашманинг суви гоҳ тошиб кетади, гоҳ камаяди.

— Отасига раҳмат, — дейди «Қўнгирот» жамоа хўжалиги раиси Тожи Холтураев. — Султон ака Чегебоев деган райком ўтган. Ҳужаипокни шу одам обод қилиб кетди. Иморатлар қурдириб, дарахт эктирди. Чироқ олиб келди. Бир қисм йўлларни тош-шағал тўкдириб, тартибга келтирди. Ҳужалигимиз Ҳужаипокни оталиққа олган. Яшириб нима қиламан, иқтисодий жиҳатдан камқувват хўжалигимиз бу шифо гўшасининг камқўстини битказолмайди. Қўшимча иморат, мебель, кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, маблағ керак. Асосий масала йўл муаммоси. Менинг юрагимда ҳам Ҳужаипокка нисбатан куюниш бор. Илож қанча. Икки йўл бор. Бири, бирор санаторийни ёпиб, бу ерда замонавий санаторий қуриш. Иккинчиси, иқтисодий бақувват бирор ташкилот Ҳужаипокни қарамоғига олиш...

Мустақил давлатимиз инсон саломатлигига катта эътибор қаратмоқда. Бироқ, ҳозирги шароитда қийинчиликлар, маблағ етишмаслиги ҳаммага аён. Шунинг учун ҳам Ҳужаипокда барпо этилажак санаторий учун туман агробанкида махсус счет очилса, ҳамманинг истак-хоҳиши рўёбга чиққан бўлур эди. Ўйлаймизки, Ҳужаипок шифо масканига Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани мутасаддилари, қолаверса, бутун жамоатчилик жиддий эътибор қаратади.

**Турсунбой БОЙМИРОВ.**

Аломат гаплар

# ХОТИРОТ ОЛАМИДА ЯШАЙДИ АЁЛ

Жексонликлар Алиса Крейдерни «яхшигина хаёлпараст хотин»га чиқариб қўйишган. Балки шаҳарликлар ҳақдир. Ахир Алиса 1977 йилнинг 16 августидан буён гўё соқовга айланиб қолган.

Машҳур кино юлдузи Элвис Пресли тасодифан гойиб бўлди. Алиса эса эрининг бу «йўқолиши»ни на ўлликка, на тирикликка йўйишини билмай қолди. Фақат: «Элвис тирик. Уни кутаман. Бирор гап айтолмайман ҳеч кимга, ҳатто репортёрларгаям. То эрим қайтмагунча «чурқ» этмасликка онт ичаман!

Мана, шу воқеага ҳам салкам 20 йил бўлди.

— Биламан, опамнинг бу «сукути» жуда ғалати, — дейди у билан қўшни яшовчи синглиси Фрида Марлот. — На чора, бу унинг шахсий иши. Фақат унга жуда ачинаман. Чунки Алисанинг бундай гунг бўлиб юришидан жони ҳалқумига келган эри (иккинчи эри, албатта!) бундан 6-7 йил аввал ташлади-кетди. У бир куни чемодонини йиғиштирди-ю, Флоридага жўнаб қолди. Алиса каттагина мерос эгаси. Бадавлат яшайди. Шунданми ёши 50 дан ошган бўлсаям қайлиқларнинг кети узилмайди. У эса ёлғиз яшамоқчи. Бу ҳақда ўзи айтди — «ёзиб», албатта.

Бадавлат бева кўпда зарурат бўлмаса кўчагаям чиқмайди. Фақат озиқ-овқат дўконига боради онда-сонда. Вақтини уйда, эрининг хонасидаги «музей»да ўтказади.

Эри гойиб бўлгач, Алиса Элвиснинг ётоқхонасини «уй-музей»га айлантирди. Элвис иштирок этган кинокартиналардан суратлар, қушиқларининг магнит тасмалари, турли саҳналардаги суратлари... Хотиралар коллекцияси... Энг тўрда эса Элвиснинг гитараси! Аёлнинг энг азиз экспонати-гитара! Баъзида гитарани қўлига олади, эри куйлаган қўшиқларни чалади, унсиз «куйлайди». Элвиснинг кровати тепасидаги каттакон суратига тикилганча хотирот оламига шўнгийди.

Алисанинг ҳаёт тарзи бир қарашда ғалатироқ туюлиши мумкин. Лекин аёл кўнглини ҳам тушуниш керак. Балки у эрига шу тариқа аза очгандир. Аслида ўтмиш хотиралари ҳам ўзга бир олам. Алиса шу оламда яшаётгандир.

# ЎҒЛОНЛАРИМИЗ ОВРЎПАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРИШДИ

Кўплаб беллашувларнинг гувоҳи бўлганман. Аммо, уч дақиқадаёқ соф ғалабага эришган курашчини кўриш насиб этмаган эди. Ярим финал учрашувда «орани очиқ» қилиш учун ўртага тушган тошкентлик Шуҳрат Абдусаматов билан чехиялик Вацлав Наварқанинг олишувида ана шундай манзара юзага келди. Шуҳратнинг рақиби ҳужумга ташланди. У рақибини ҳимоя-га ўтиб, қулай вазиятнинг пайида бўлади, деган хаёлда кутилмаган қарши ҳужумини пайқамай қолди. Оқибатда уч дақиқа ичида учрашувни давом эттира олмаслигини маълум қилди.

Умуман, Бельгияда курашнинг таэквондо ИТФ тури бўйича ўтказилган очиқ чемпионатда Осиёда фақат Ўзбекистон полвонлари билан Шимолий Корея спортчилари ҳозир бўлдилар. Учинчи марта ташкил этилган баҳсда қора ва рангли белбоғ соҳиблари бўлган Овр ўпанинг 14 мамлакатидан 490 спортчи иштирок этди. Уларнинг 220 нафари «қора белбоғ» соҳиби эканлиги диққатга сазовор. Юртдошларимизга бош бўлиб борган Эдуард Ли бир қанча халқаро мусобақаларда синовдан ўтган Леонид Ли, Владислав Нам, Элмурод Нурохунов, Жамшид Халилов ҳамда Андрей Кан, Насриддин Толипов, Илҳом Шомансуров, Леван Авоканян, Дмитрий Ли ва Шуҳрат Абдусаматовлардан терма жамоа тузган эди.

Вакилларимизнинг ярми бундай нуфузли мусобақада илк бор иштирок этишларига қарамай, иккита олтин, учта кумуш ва шунча бронза медалларини олишга муваффақ бўлишди. Польша, Россия, Англия, Голландия, Германия, Шотландия ва Уэльс каби мамлакатларнинг моҳир спортчилари билан беллашишга тўғри келди. Астойдил қилинган ҳаракат зое кетмади. Таэквондочиларимиз қора белбоғ соҳиблари орасида жамоа биринчилигини қўлга киритишди.

Мухлисларнинг олқиши, мутахассисларнинг таъкиди Шуҳрат Абдусаматовнинг мосоги — яъни, яккама-якка олишувларда маҳорат кўрсатганлигининг эътирофидан далолат. Дилшод Боймуродовнинг шогирди 80 килограммгача бўлган вазндаги полвонлар орасида маҳорат кўрсатди. Бу вазнда 20 нафар таэквондочи қатнашди. Шунга қарамай, Шуҳрат Англия, Германия, Чехия ва Голландия спортчиларидан устун келиб, ғолиблик супасига кўтарилди.

Яна бир вакилимиз Элмурод Нурохунов ҳам давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилишига эришди. Иқтидорли бу спортчимиз иккинчи дан соҳиблари орасида Чехияда ўтказилган жаҳон биринчилигининг ғолиби саналади. Бу сафар у ҳамюрти, бекободлик Андрей Канни мағлубиятга учратди. Андрейга кумуш медаль насиб этди. Шунингдек, Леонид Ли ва Леван Аваканянлар ҳам кумуш медалларга эга бўлишди. Бронза медаллари эса Насриддин Толипов, Жамшид Халилов ва Дмитрий Лиларга насиб этди.

*Спорт*

Йирик халқаро мусобақада иштирок этган ўн вакилимиздан 8 нафарининг медалли бўлиши Овр ўпа спортчиларию мутахассисларини лол қолдирди. Энди ҳамюртларимиз шу ойнинг охирларида Ирландияда ўтказиладиган халқаро мусобақада иштирок этадилар. Таэквондочиларимиз ғолиблик анъаналарини давом эттирадилар, деб умид қиламиз.

**Рихситилла УМАРОВ.**
**Тошкент-Франкфурт-Брюссель-Франкфурт—Тошкент.**

# СУРАТДАГИ ОҲУ

## Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом Сахий Жонаҳмедов устахонасида

Одатда кўпчилик санъаткорлар, ижодкорлар ўзларини машҳур қилган санъат турига ёшликдан қизиққан бўладилар. Уларнинг ғойибона устозлари ҳам бўлади. Лекин Сахий Жонаҳмедов...

...Таганрогдаги муаллимлар институтининг рус тили ва адабиёти факультети талабаси, берунийлик Сахий Жонаҳмедов курсдош қиз билан суҳбатлашиб бораётиб, деворга осиб қўйилган эълонга кўзи тушди. Янги йилга бағишланган рассомлар конкурси, ғолибга соврин — фотоаппарат. Курсдош қиз ҳавасга сурат олиб юрарди.

— Сахий, мабодо рассом бўлсанг, конкурсда ғолиб чиқсанг, фотоаппаратни нима қилардинг?

— Сенга совға қилган бўлардим.

— Рассом бўлмаганингга бирам афсусланяпманки. Биров илиб кетадиган фотоаппаратга ичим ачиб кетяпти.

— Фотоаппарат сеники бўлади, — деди Сахий.

Умрида расм чизиш ҳақида ҳатто ўйлаб кўрмаган йигит тонггача қоғоз қоралаб чиқди. Унинг биринчи бор чизган расми мана бундай эди: Қор бўралаб ёғяпти. Ёлғиз дарахт жунжикиб турибди. Йўлакда шошилиб одимлаётган одамлар орасидаги аёл алоҳида кўзга ташланади. Шошқалоқ шаҳарликлар ҳеч нарсага эътибор бермай ўз ташвишлари билан югуриб-елишяпти. Фақат аёл ўзгача, бугунги қор унинг хотирасида неларнидир уйғотган кўринади. Аёл ғамгинроқ...

Сахий эрта билан чизган расмини тўлиб кетган деворнинг чеккасига илди. Янги йил базмида ғолиб деб топилган расм эълон қилинди. Унинг муаллифи Сахий эди. Курсдош қиз фотоаппаратлик бўлди.

Мен Сахийнинг Беруний шаҳридаги Маданият саройининг бир хонасидаги асарларини томоша қилар эканман, ўйладим: йигирма яшар йигитнинг умрида биринчи бор мўйқалам ушлаши ва муваффақияти, бу нима — илоҳий кучми? Бундай деб ўйлашимга яна бир сабаб — унинг асарлари ҳам. Мана, биринг қошидан кетолмай турибман. Бу асар менга Чингиз Айтматовни эслатди. Йирик планда — миллий мусиқа асбоби. Фонда қизлар, юксакликка интилаётган кийиклар ва оҳу. Асарга боқишинг билан энг аввало оҳунинг кўзлари билан тўқнашасан. У шундай илтижоли боқяптики...

Умуман, исталган санъат асарини қандай қабул қилиш сенинг руҳиятингга, савиянгга ва айни пайтдаги ҳолатингга боғлиқ. Балким, оҳу сенга хурсанддек

*Санъат*

кўринар. Менга эса ҳозир оҳу йиғлаётгандек кўриниб турибди. Чунки ҳозиргина Сахийдан мана бу хотирани эшитдим.

**САХИЙ ЖОНАҲМЕДОВ БИЛАН СУҲБАТДАН:**

*— Бир йили Нукус шаҳрида қорақалпоғистонлик ёш рассомлар кўргазмаси ташкил қилинадиган бўлди. Йигирмата асаримни олиб бордим. Ҳайъат аъзолари бир овоздан яхши баҳо бериб, кўргазмага қўйишга тавсия қилишди.*

*Кўргазма намойиш қилинаётган кунларнинг бирида автобус ёллаб, 15-20 чоғли жўрам билан Нукусга келдик. Кўргазма залини айланиб чиқдик.*

*— Қани асарларинг, — дейишди жўраларим.*

*Ер ёрилмади, ерга кирмадим. Йиғлагим келди. Ўзимни босишга уринмай, барибир йиғладим. Бироздан кейин менга ўша кўргазма каталогини топширдилар. Рўйхатда номим бор эди. «Асарларингиздан томошабинлар ҳайратга тушди», — дедилар елкамга қоқиб. Мен ҳеч нарса суриштирмадим. Ҳатто, асарларимни қайтиб олганда нега улар доғ-дуғ, чанг эканини ҳам...*

Сахийнинг ҳикоясини эшитиб мен ўйлайман. Ҳар қалай, ўшанда нима бўлган экан-а? Асарлар учун рамка етишмагандир? Балким зал деворларида бўш жой қолмагандир? Ё бўлмаса, профессионал рассомларнинг асарлари бир ҳаваскорнинг машқлари нури остида хираланиб қолади деб ўйладимиканлар?! Суҳбат асносида шундоқ рўпарамда осилиб турган ўша асарга яна кўзим тушади. Оҳу йиғлаётганга ўхшайди. Ҳа, ҳа, у йиғлаяпти...

Истеъдод — бу ҳақиқатга ўхшайди. Уни букишга қанча уринмасинлар, унга нисбатан қанчалик бепарволик қилмасинлар, у қасдма-қасд ярқирайверади. Ўша воқеа Сахийга қаттиқ таъсир қилган экан. Асарларининг кучини, таланти даражасини билиш учунгина турли Бутуниттифоқ конкурсларга, нашрларга суратларини жўнатди. «Советская женщина» журналида бир қанча асарлари берилди. Бутуниттифоқ ҳаваскор рассомлар танловида ғолиб бўлди.

Сахий Жонаҳмедов туман ҳокимлигининг эътиборидан хурсандлигини билдирди. Ўзи эса бу эътиборга жавобан Маданият саройидаги кўргазмасини доим янгилаб туради. Шаҳардаги Алишер Навоий номли лицей директори сифатида зиммасидаги улкан ташвишлардан бир зум бўшаса, Маданият саройига ошиқади.

Сахийнинг қуроли фақат мўйқалам эмас. Мойбўёқда ишланган суратлар қаторида графикага мансуб асарларининг кўпчилиги олмос (лезвие) билан яратилган. Лезвие билан қириб, керакли тасвирни ҳосил қилиш осон иш эмас. Амир Темурнинг салобатли портрети, «Кузги теракзор» ва бошқа ўнлаб асарларнинг шу тарзда бунёд бўлганига ишониш қийин. Сахийнинг биттагина орзуси бор — асарларини китоб қилиб чиқарса. Бунинг учун эса каттагина маблағ керак. Сахий қалам ҳақи, китобдан келадиган даромад ҳақида ўйлаётгани йўқ.

— 25 йиллик фаолиятимда мингдан ошиқ асарлар яратдим. Улардан ҳамма баҳраманд бўлишини истайман, дейди у.

Мен у билан суҳбатлашганда буни қандай ҳал қилиш ҳақида маслаҳат бера олмадим.

**«...Ҳар бир сурат сўзлаб, куйлаб ва йиғлаб турибди»** — шоира Раъно Раҳмон қизи таассуротлар дафтарига шундай деб ёзибди. Менимча, Сахий Жонаҳмедов асарларига бундан юксак ва лўнда баҳо бериш қийин.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

*Китоблар растаси*

# ҲУРРИЯТДАН ЗАВҚ ОЛИБ

Шоирнинг ҳар не шаъни шавкати, ҳар не ғами - қурбати юрагида ошиён топмишдир. Мадомики шул ошиёнда туйғулар жунбушга келиб, ҳислар куй янглиғ мусиқага эврилганда, недир буюклик, устувор заминий оҳанг туғилади. Бул асрлар қаъридан, йиллар шууридан алмон, улуғвор бўлиб ўтиб келаётган шеърият базми, ашъор жамшиди.

Шубҳасизки, ҳар бир даврнинг олов қалбли куйчилари бўлади. Улар ўзи яшаётган давроннинг шону шомларини ададсиз муҳаббат, сўнгсиз талғинч ила шеърга соладилар, гулга ўрайдилар.

Забардаст шоирларимизнинг ВАТАН ишқида битилган, оташнафас шеърлари жамланган мазкур мажмуа «Ҳуррият завқи» деб аталади. Яна бир буюк саодат, самовий ҳилқат шулки, гўёки қўлингизда бир парча юракни ушлаб тургандай ҳаяжонга тўласиз бул кўнгил изҳорларини ўқиб. У чиндан-да сизга ҳуррият шодмонлигини, озодлик шавқини улашади. Дилингизда юксак ифтихор, метиндай эътиқод туясиз. Тангрига минг қатла шукроналар айтиб, юрагингизда ВАТАН ишқи ёнаверади, ёнаверади...

Дарвоқе, китобни Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева нашрга тайёрлаган. Китобнинг жамики моҳияти ифодаси бўлган ушбу жумлалар, унинг илк саҳифасидан юрагингизни ёлқинлантириб юборади. «Бир донишманддан сўрабдилар: сиз қаердан келяпсиз — Ватандан. Қайга йўл олдингиз? — ВАТАНГА. Қаерда йўл тугайди? — ВАТАНДА!»

**Озода БЕКМУРОДОВА.**

# «ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАНГАЛАРИ»




Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциацияси томонидан тайёрланган ушбу нашр мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг кириш сўзи билан очилади. Рангли суратлар билан безатилган мазкур тўпламда Амир Темур пул-молия тизими, Ойбек номли Миллий тарих музейида сақланаётган Амир Темур ва Темурийлар сулоласи тангалари каталоги ҳақида маълумотлар баён этилган. Китобда Амир Темур даври билан боғлиқ қадимий обидалар суратлари, шунингдек, буюк Соҳибқиронинг пурмаъно сўзлари берилган. Шуниси эътиборга моликки, тўплам ниҳоясида мустақил Ўзбекистон Республикаси тангалари ҳам берилган. Ушбу нашр ўзбек давлати тимсоли сифатида жаҳон бўйлаб кенг тарқалишига шубҳа йўқ.

# «ШАРҚШУНОСЛИК»

«Минҳож» нашриёти шу номли тўпламнинг еттинчи сонини буюк давлат арбоби, атоқли саркарда ва фан-маданият ҳомийси Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб чоп этди. Мажмуага киритилган мақолаларнинг аксари темурийлар давлати халқаро муносабатлари, тарихий манбалари ва давр ижтимоий ҳамда маданий ҳаётига оиддир. Китобда таниқли олимлардан М. Хайруллаев, А. Ирисов, С. Азимжонова, У. Уватов, шунингдек, Азамат Зиё, О. Бўриев, Б. Абдуҳалимов ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотлари эълон қилинган. Тўпламда қизиқарли мақолалар билан бирга изоҳ ва далиллар, ноёб манбалардан парчалар ҳам берилганки, бу олимларнинг чуқур изланишидан дарак беради.




# «ҲАМРОҲИМ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН

Юртимиз мустақил бўлиши, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши Ўзбекистон ҳаётида чинакам тарихий аҳамиятга эгадир. Лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси жорий этилиши ўзбек тилининг жаҳондаги энг кучли тиллардан бирига айланиши учун қулай имконият туғдиради. Айни пайтда бу ислоҳот тилимизнинг мавқеини кўтаришга бел боғлаган барча зиёлилар, хусусан, тилшунос олимлар зиммасига масъулият юклади. Таниқли олим Йўлдош Абдуллаев ана шу масъулиятни қалбан туйиб, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингач, уни ҳаётга татбиқ қилишга астойдил киришди. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатиш дастури», «Совға», «Хуснихат машқлари» каби дастур, дарслик, қўлланма шулар жумласидандир. Йўлдош Абдуллаев яқинда чоп этган қўлланмалардан бири «Ҳамроҳим» бўлиб, бу қўлланма мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларидан ташқари барча ташкилот курс тингловчилари ҳамда қизиқувчиларга мўлжалланганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Қўлланма Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиб, «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган. Ҳеч шубҳа йўқки, таниқли педагог-олим Йўлдош Абдуллаевнинг «Ҳамроҳим» номли қўлланмаси барчанинг энг яқин ҳамроҳи бўлиб қолади.

**Барот ЯРАШЕВ,**
**Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.**

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0627
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30
1 2 3 4 5 6.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Диққат, обуна бошланди!
"ОБУНА 96"
ОСИЁ БОЗОРИ
ГАЗЕТХОНЛАРИГА
Муҳтарам газетхон!
Мана қариб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.
"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:
❑ мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай борайтганлигидан хабардор бўласиз;
❑ кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
❑ молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
❑ қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
❑ ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқарайтган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.
"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!
"ОСИЁ БОЗОРИ"
индекс: 64742 (якка обуначилар учун)

| 1 ойга | 3 ойга | 6 ойга | 1 йилга |
|---|---|---|---|
| 44 сўм | 132 сўм | 264 сўм | 528 сўм |

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

| 1 ойга | 3 ойга | 6 ойга | 1 йилга |
|---|---|---|---|
| 48 сўм | 144 сўм | 288 сўм | 576 сўм |

«СИНТЕЗ-АФ» қўшма корхонаси шуни маълум қиладики, корхона 1997 йил 5 январдан эътиборан ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO
ЎЗБАТ А.Ж. ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Олий ўқув юртларини (1993-1996 йилларда) якунлаганлар ва студентлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
МАХСУС ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- молия ва бухгалтерия ҳисоботи -(Finance and Accounting)
- ишлаб чиқариш бошқаруви -(Production Management)
- савдо ва истеъмол маркетинги -(Trade and Consumer Marketing)
- кадрлар бошқаруви -(Human Resources Management)
- агроном -(Agronomy)
- ишлаб чиқариш участкалари раҳбарлари -(Production Supervisers)
Танлов ғолиблари менеджер-стажер сифатида ишга қабул қилинади ва "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг улкан тизими бўйича 2 йиллик ўқув курсини ўтайди.
Сиз анкетани олгандан сўнг уни тўлдириб, қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:
-Тошкент ш., Носиров кўч.77, Тошкент тамаки фабрикаси
-Андижон ш., К. Яшин кўч. 7, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
-Бухоро ш., Ўзбекистон Мустақиллиги кўч., 11, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
- Самарқанд ш., А. Рудакий кўч., 150, Самарқанд тамаки-ферментация заводи
- Ургут ш., Навоий шоҳ кўч., 10, Ургут тамаки-ферментация заводи
- Фарғона ш., М.Қосимов кўч. 31 а, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
Танлов асосида саралаб олинган барча номзодлар анкета тўлдирилиб топширилгандан кейин бир ой муддат ичида суҳбатга таклиф этилади.
КЕЛАЖАГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА! WE CHALLENGE YOU!

«НОТЎҚИМАЧИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
баҳяланган, 911246 артикулли, эни 180±4 ҳажмдаги
НОТЎҚИМА МАТОНИ
векселга ёки пул ўтказиш йўли билан сотади.
Матонинг 1 п/м нархи — 39 сўм
Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳри, Қ. Мамарасулов кўчаси, 10 «НОТЎҚИМАЧИ» ҳиссадорлик жамияти.
Телефон: 6-32-63.

«Ходи ЛТД» қўшма корхонаси муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.